

**“Ўзбектелеком” АК ходимлари томонидан тўлдирилган эҳтимолий
манфаатлар тўқнашуви декларациялари ва уларнинг таҳлили ҳақида
ҲИСОБОТ**

2025-йилда “Ўзбектелеком” АК ижро аппаратининг 209 та ходими ва Компания филиалларининг 443 та маъмурий бошқарув ходимлари томонидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви декларациялари тўлдирилди. Тўлдирилган декларациялар Комплаенс департаменти ходимлари томонидан умумлаштирилди ва таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасига кўра Компаниянинг :

33 та ходимининг яқин қариндошлари турли тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчи ташкилотларда (МЧЖ, МЧЖ ҚҚ, ХТТ ва х.к.) раҳбар лавозимида фаолият олиб боради;

7 та ходимнинг яқин қариндошлари давлат ташкилотларида раҳбар лавозимида фаолият олиб боради;

29 та ходимнинг яқин қариндошлари “Ўзбектелеком” АК таркибидаги филиалларда фаолият олиб бориши маълум бўлди.

Юқоридаги ҳолатларда яқин қариндошлар бир бирини ўзаро назорат қилувчи ёки бир бирининг бўйсунувида фаолият олиб бориш ҳолатлари кузатилмади.

Шунингдек, келгусида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида Компания ходимларига алоқадор ташкилотлар рўйхати шакллантирилди.